Ушбу сонда:
2 Янги давр кишилари — ГУЗАР ҚУРГАН ФЕРМЕР
3 TV-дастури
4 Қонун барча учун баробар — «МЕН ДАРДИМНИ КИМГА АЙТАМАН»

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 15 январ, шанба №9 (841)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА ЭЪТИБОР

«Андижонавтойўл» бирлашмаси маъмурияти ва касаба қўмитаси кўп минг кишилик меҳнат жамоасини ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, бирлашма тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда уч йил ва ундан ортиқ меҳнат фаолиятига эга бўлган ҳар бир ишчи ва хизматчининг йиллик меҳнат таътили уч кунга узайтирилди. Шунингдек, бирлашмада ишлаб, никоҳ тўйини ўтказадиган ёшларга мукофот бериш билан бирга ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда ўн кун қўшимча дам олишга рухсат этилди.

Вилоятдаги «ЎзДЭУавто», «Ўзкарам-КО», «Ўзтонг-хонг» қўшма корхоналари, «Андижон нашриёти», Бобур номли ип-газлама ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти каби бир қатор меҳнат жамоаларида ҳам ишчи-хизматчиларга турли қўшимча имтиёзлар белгиланган.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ФАРМОЙИШИ

Хорижий мамлакатларда нафас йўлларининг ўткир юқумли касалликлари ва грипп билан оғриш кенг тарқалганлиги ҳамда грипп эпидемиясининг республика ҳудудига тарқалиши эҳтимоли муносабати билан:

1. Нафас йўлларининг ўткир юқумли касалликлари ва грипп эпидемиясининг олдини олиш бўйича Ҳукумат комиссияси тузилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги касаллик кучайган даврда республиканинг бутун ҳудудида нафас йўлларининг ўткир касалликлари ва гриппга қарши кураш бўйича профилактика ва эпидемияга қарши кураш чора-тадбирлари режасини амалга киритсин, бунда:

беморларни фаол аниқлаш ва ажратиш чора-тадбирлари ташкил этилиши ва уларнинг кенг амалга оширилишини;

хавф туғдирувчи гуруҳга кирувчи аҳолини, энг аввало барча болалар ҳамда катта ёшдагиларни гриппга қарши эмлашни;

тиббиёт муассасалари, транспорт, савдо объектлари ва мактабгача болалар муассасаларида дока ниқоблар тақиб юрилишини;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда, олий ўқув юртлари, талабалар ётоқхоналари, мактаблар, мактабгача болалар муассасалари, жамоат транспортида намлаб дезинфекция ўтказилишини ва шамоллатиш режимига риоя қилинишини;

маданият объектларида санитария-гигиена чора-тадбирларига риоя қилиниши устидан назорат қилинишини, зарурият бўлганда чеклаш тадбирлари жорий этилишини;

даволаш-профилактика муассасаларида ва дорихоналарда грипп ва у билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволаш учун зарур дори-дармон воситалари мавжуд бўлишини назарда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги нафас йўлларининг ўткир касалликлари ва гриппга қарши кураш бўйича профилактика ва эпидемияга қарши кураш тадбирларини эпидемия жамғармаси маблағлари ҳисобига тўлиқ ҳажмда маблағ билан таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

маъмурий ҳудудларнинг биринчи шахслари бошчилигида нафас олиш йўлларининг ўткир касалликларига қарши кураш бўйича комиссиялар тузсинлар;

жамоатчиликни жалб этган ҳолда халқ хўжалигининг барча объектларида эпидемияга қарши тадбирлар ўтказишни кучайтирсинлар;

давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари буюртманомаларига биноан гриппга қарши вакциналар ва дезинфекция воситалари сотиб олиш учун маблағ ажратсинлар.

5. «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буюртманомаларига биноан нафас йўлларининг ўткир касалликлари ва гриппнинг олдини олиш бўйича туркум телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар тайёрласинлар, шунингдек республика матбуотида ва маҳаллий матбуотда материаллар чоп этсинлар.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 14 январ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Ш.Р.Бегматовни Қашқадарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Шуҳрат Раҳимович Бегматов Қашқадарё вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 14 январ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Ў.Қ.Исмоиловни Сирдарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Ўктам Қўчқорович Исмоилов Сирдарё вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 14 январ

ЙЎЛЛАНМАЛАР КОРХОНА ҲИСОБИДАН

Қоракўл туманидаги ёғмой маҳсулотлари билан таъминлаш корхонасида ишчи-хизматчилар учун қатор енгиллик ва имтиёзлар яратиб берилаётир. Цехларда ёрдамчи хўжаликда етиштирилган маҳсулотлар қайта ишланиб, ходимларга бозордагидан анча арзон нархда тарқатилаётир.

Дам олиш хоналари, кутубхона, спорт майдончалари жамоа аъзоларининг ихтиёрида. Ҳадемай, бу ерда теннис корти ҳам барпо этилади.

Корхона маъмурияти касабақўм билан келишилган ҳолда янги йилдан эътиборан ишчи-хизматчилар учун яна бир қулайликни яратишга қарор қилди. Жамоа аъзоларининг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида уларга турли сиҳатгоҳларга бориб келиш учун бериладиган йўлланмалар юз фоиз корхона ҳисобидан қопланадиган бўлди. Шунингдек, кам таъминланган кўп болали оила вакиллари учун йўл харажатлари ҳам тўлалигича корхона ҳисобидан тўланади.

Муножот ЭРГАШЕВА,
талаба.

Меҳр-мурувват

ЭҲТИЁЖМАНДЛАРГА ҚЎМАК

Ўзбекистон Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси доимий равишда кам таъминланган, ёрдамга муҳтож ва кўп болали оилаларнинг ижтимоий ҳимоясига, турли байрамларда уларнинг ҳолидан хабар олиш ва хайрия ёрдамларини кўрсатишга асосий эътиборни қаратиб келмоқда. Айниқса янги, 2000 йилда бу тадбирлар ўзгача тус олди.

Касаба уюшмалари томонидан жойлардаги 12 ёшгача фарзандлари бўлган ишчи-хизматчилар ҳамда мактаб ёшидаги фарзандлари бўлган кам таъминланган оилалар сони аниқланди. Хусусан, алоқа тармоғи меҳнаткашларининг 12 ёшгача бўлган фарзандлари сони 43 минг 345 нафарини ташкил қилади. Уларнинг янги йил байрамларини кўнгилдагидек, сермазмун ўтказишлари мақсадида 50 миллиондан зиёд маблағ сарфланди. Бу харажатларнинг 3 миллиондан ортиғи касаба уюшмаси бюджетидан ажратилди. Ушбу маблағлар асосан янги йил томошаларига, болажонлар ўртасида танловлар ўтказиш ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, болалар боғчаси, мактаблар, мактаб-интернатлар ҳамда Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари учун янги йил совғалари тайёрлашга сарфланди.

Кўмакка муҳтож алоқа ходимларининг фарзандларига кийим-кечаклар, пойабзал, ўқув қуроллари ҳадя қилинди, — дейди Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Тоҳир Назаржонов. — Чунончи, Сирдарё вилоятидаги 7- ва 16-мактаб ўқувчиларига 26 минг сўмлик ўқув қуроллари, Қорақалпоғистон Республикасидаги Ноғиронлар уйига 28 минг сўм, Меҳрибонлик уйига эса 15 минг сўм, Бухоро вилоятидаги Меҳрибонлик уйига 140 минг сўм ўтказилди. Асосий мақсад ҳар бир боланинг чин кўнгилдан шодланиши, улар ҳақида қайғуриб, ғамхўрлик қиладиган инсонлар борлигини ҳис қилишларидир.



Шунингдек, Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Маннон Уйғур номли маҳаллада ҳам катта хайрия тадбирини ўтказди. 136-мактаб ҳовлисида ушбу маҳалланинг кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилаларининг 100 нафар фарзандларига «Қизил тонг» корхонасининг маданият саройи хонанда ва созандалари ҳамда Тошкент «Электралоқа» олийгоҳининг эстрада гуруҳи томонидан концерт дастури намойиш этилди. Қорбобо ва Қорқиз эса ўғил-қизларга совғалар ҳадя қилди. Тадбирда нафақат болажонлар, балки йиғилган отаоналар, мактаб жамоаси ҳам олам-олам завқ олдилар.

Бундан ташқари, «Коском» қўшма корхонаси билан биргаликда маҳалладаги энг эҳтиёжманд 15 нафар оилага хайрия йўлида байрам совғалари, 50 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тақдирилди.

— Гап совғада эмас, эътиборда, — дейди 1-Қизил ғунча кўчасида истиқомат қилувчи Саидаброр Аъloев. — Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиб, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантириш хайрли ва савоб ишдир. Бундай тадбирларни бошлаб берган Президентимизга мингдан минг раҳматлар деймиз. Биз бугунги тадбир ташкилотчиларидан жуда ҳам миннатдормиз. Мана шундай саховатли ва мурувватли кишилар кўпаяверсин.

— Қорбобо билан бирга совға олиб келган амакижонларимизга катта раҳмат, — дейди шу маҳалланинг 1-Қизил ғунча кўчасида яшовчи қизалоқ Шаҳноза Рустамова. — Бу шодликлар бизни йил давомида аъло баҳоларга ўқишга руҳлантиради.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

«Ишонч»га жавоб берадилар

АДОЛАТ ЎРНАТИЛДИ

Газетамизнинг ўтган йил 27 октябр сонида Қашқадарё вилоятидан танқидий мақола эълон қилинганди. Унда айрим ташкилот раҳбарларининг қонунни яхши билмаслиги оқибатида одамларни сарсон-саргардон қилаётганлиги бир ташкилотдаги аҳвол мисолида очиб ташланган эди. Гапнинг рости, мақола жамоатчилик эътиборини тортди. Мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилган ўнлаб хатлар олдик.

Яқинда эса Қашқадарё вилоятидан «... Менга адолат қилинг» мақоласига расмий жавоб келди. Унда шундай сатрлар битилган: «Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси танқидий мақола юзасидан 11-ММКК қурилиш ташкилотига комиссия юбориб ишлаб чиқариш, касаба уюшма қўмитаси ишлари ўрганилиб чиқилди. Шунингдек, мақола «Қаршиирмонтаж» очиқ ҳиссадорлик жамияти бошқарувида ҳам атрофлича ўрганилиб, Ҳ.Амирқуловани ишга тиклаш тўғрисида 11-ММКК бошлиғи А.Ниёзовга кўрсатма берилди.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда лоқайдликка йўл қўйган ходимлар бўлими назоратчиси А.Қурбоновга ҳайфсан эълон қилинди. Шунингдек, касаба уюшмаси ташкилоти ишини ўз ҳолига ташлаб қўйгани, ММКК бошлиғи измидан чиқолмагани, муросасозлик йўлини тутгани учун Б.Лўлиевга нисбатан ишончсизлик билдирилган ҳамда янги йилнинг дастлабки ойидаёқ касаба уюшма қўмитаси раислигига қайта сайлов ўтказилиши касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгаши раиси муовини Ю.Мелентьев томонидан маълум қилинган...»

Таҳририятга хат

ГАЗЕТА МЕНИ ЎЗ ИШИМГА ТИКЛАДИ

Халқимизда қалам билан битилганни болта билан чопиб бўлмас, деган гап бор. Оммавий ахборот воситалари тўртинчи ҳокимият эканлиги, сўз қудратига ўз ҳаётимда чуқур ишонч ҳосил қилдим.

Ҳаётда аддолатсизликка учрадим. Оддий қурувчиман, аввалига нима қилишимни билмай гангиб қолдим. Гап шундаки «Қаршиирмонтаж» трестига қарашли 11-ММКК да узоқ йиллардан буён ҳалол ишлаб фақат раҳмат эшитдим. Бирон марта танбеҳ олмаганман. Бироқ ўтган йили корхонамиз раҳбари мени ишдан бўшатди. Ёрдам сўраб жуда кўп идораларнинг эшишига бош урдим. Натижа бўлмади. Охири яхшилар меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлмиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Ишонч» газетасига мурожаат этишни маслаҳат беришди.

Журналистлар дардимни тинглаб, адолатни тиклашга киришдилар. Кўп ўтмай газетада ўткир танқидий мақола эълон қилинди. У жамоамизда атрофлича муҳокама қилинди. Мени нотўғри ишдан бўшатган кимсалар изза бўлишди. Ҳозирги кунда қадрдон ишхонамда фаолият юритаяпман. Бунинг учун «Ишонч» газетасидан миннатдорман.

Ҳанифа АМИРҚУЛОВА,
қурувчи.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Ислом Каримов Жаноби Олийлари!

Ассалому алайкум!

Президент сайловларида эришган муваффақиятингиз ва иккинчи муддатга бошқарув ваколати берилганлиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва Сиз орқали мўътабар Ҳукуматга ва биродар халққа Фаластин халқи ва унинг Раҳбарияти номидан, шунингдек шахсан ўз номимдан ғоят самимий биродарлик қутловларини ҳамда эзгу, дўстона тилакларни изҳор этиш менга мамнуният бахш этади. Бу ғалаба халқингизнинг Сизга бўлган ишончидир.

Юксак тараққиёт ва фароғатга хизмат қиладиган масъулиятли вазифаларни ҳал этишингизда, шунингдек, халқингизга раҳнамолик қилишингизда омад ёр ва мададкор бўлишини Яратгандан сўраб қоламиз.

Биз, фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ва халқларимизни боғлаб турган мустаҳкам биродарлик алоқалари учун Сизга ўз миннатдорлигимизни изҳор этамиз. Сизга яна шуни ишонтириб айтамизки, биз бу алоқаларни ривожлантиришга ҳамда юқори даражага кўтаришга муттасил ҳаракат қиламиз ва бундан манфаатдормиз. Бу эса ўзаро саодат ва иккала томон манфаати йўлида хизмат қилади.

Айни вақтда биз Фаластин халқининг ўз миллий ҳуқуқларини, энг аввало ўз тақдирини ўзи белгилаш ва Мустақил Фаластин Давлатини барпо этиш ҳуқуқини қайта тиклаш йўлидаги адолатли курашида уни қўллаб-қувватлашдан иборат қатъий иродангизни юксак баҳолаймиз.

Сиз, Жаноби Олийларига шу муносабат билан яна бир бор дўстона биродарлик қутловларимни изҳор этаман. Сизга мустаҳкам соғлиқ ва омад, биродар халқингизга ҳамда мамлакатингизга тараққиёт ва равнақ тилайман.

Ёсир АРАФОТ,
Фаластин Давлати Президенти,
Фаластин Озодлик Ташкилоти Ижроия Қўмитасининг Раиси,
Фаластин Миллий Маъмуриятининг Раиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб янги муддатга сайланганингиз билан сидқидилдан муборакбод этаман.

Мамлакатларимиз ўртасида ҳурмат ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган анъанавий дўстона муносабатлар муваффақиятли ривожланиб, мустаҳкамланиб бораверишига ишончим комил.

Имкониятдан фойдаланиб, ўзингиз учун қулай бўлган вақтда расмий ташриф билан Беларусь Республикасига келиш тўғрисидаги таклифимни тасдиқлайман.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга чин қалбдан мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистонни равнақ топтириш йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, мамлакатингиз халқига эса тинчлик ва омонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларусь Республикаси Президенти

OLAMDA NIMA GAP

НИКАРАГУА-ГОНДУРАС:

ОРОЛ КИМНИКИ?

Лотин Америкасининг ушбу икки мамлакати ўртасида пайдо бўлган келишмовчилик айни пайтда минтақадаги энг чигал муаммолардан бири бўлиб турибди. Чегара масаласида келиб чиққан нифоқ Никарагуа-Гондурас муносабатларига анча путур етказгани аниқ. Улар ҳамон муросага келолгани йўқ.

Келишмовчилик Гондурас парламенти чиқарган қарордан кейин бошланди. Ўтган йилнинг декабр ойи бошида Гондурас Колумбия билан имзоланган чегара битимини ратификация қилганди. Ушбу ҳужжатга кўра, Колумбия Кариб денгизидаги Сан-Андрес архипелагига эгалик қилиш ҳуқуқини олди. Никарагуа бунга қарши кескин норозилик билдирди, чунки у бу ҳудудни ўзиники деб ҳисоблайди. Натижада зиддият пайдо бўлди. Никарагуа ҳар хил йўллар билан Гондурасни қоралай бошлади. Ўз навбатида, Гондурас ҳам қўшнисига таъна тошларини ёғдирди. Зиддият кучайиб, ўзаро келишмовчилик ҳарбий можарога айланиб кетиш хавфи туғилди. Америка давлатлари ташкилотининг (АДТ) аралашуви билангина вазият бироз юмшади.

Янги йил арафасида мазкур ташкилотнинг махсус вакили Луижи Инэди ташаббуси билан АҚШнинг Майами штатида ўтказилган учрашув Никарагуа-Гондурас муносабатларини яхшилаш йўлидаги дастлабки қадам бўлди. Гондурас ташқи ишлар вазири Роберто Флорес Бермудеснинг айтишича, Никарагуа ташқи ишлар вазири Эдуардо Монтелегре билан бўлган музокаралар чоғида икки томон Сан Андрес архипелагига ҳарбий қўшин киритмасликка келишиб олган.

Яқинда Никарагуа Президенти Арналдо Алеман ушбу муаммо хусусида баёнот берди. «Никарагуа ҳукумати ўзига тегишли ҳудудга эгалик қилиш ҳуқуқини қатъият билан ҳимоя қилади, унинг «Гондурас истилоси»га халқаро ҳуқуқ мезонлари доирасида қаршилик кўрсатишга қурби етади, деди у. Ратификация қилинган битимни эса Гондурас ва Колумбия томонидан уюштирилган «фитна»нинг маҳсули, деб атади. Шунингдек, унинг айтишича, бу икки давлат ўртасида тузилган шартнома минтақадаги интеграция жараёнига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бундан кўринадики, Никарагуа масаланинг Гондурас ва Колумбия фойдасига ҳал этилишига зинҳор йўл қўймайди. У Сан-Андрес оролларининг қайси қисми ўзига тегишли экани, қайсисига Гондурас хўжайинлик қилиши борасида ўз нуқтаи назарини ўзгартирмайди. Ўртага Колумбиянинг «суқилиши»ни ҳам ҳазм қилиш қийин. Шу боис, нима бўлган тақдирда ҳам, сўзимизда қатъий турамиз, демоқда Манагуа расмийлари.

Яқин кунларда АДТнинг Вашингтондаги Бош қароргоҳида Никарагуа ва Гондурас вакиллари ўртасида навбатдаги учрашувни ўтказиш режалаштирилган. Унда ўзаро алоқаларни яхшилаш борасида музокаралар олиб борилади. Шунингдек, айни пайтда Никарагуа Президенти Арналдо Алеман ва Гондурас Президенти Карлос Флорес Факусс ўртасида учрашув уюштириш масаласи ҳам кўриб чиқилаётир. Хабарларга қараганда, бўлажак учрашувда икки давлат раҳбари ташқи ишлар вазирлари ахборотига қараб, зиддиятга барҳам бериш юзасидан тугал бир қарорга келиши кутилмоқда.

Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Қарор ижроси билан кучли

ИШ ҲАҚИГА ХИЁНАТ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори жойларда қандай бажарилмоқда?

Мухбиримиз ана шу савол билан Пайариқ туман прокурори Фахриддин ЖУМАЕВга мурожаат қилиб, бу борада амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида гапириб беришни сўради.

— Ишчи ва хизматчиларнинг ойлик иш ҳақларини ўз вақтида тўланиши юзасидан ўтказилган текширишларда Отақул Умаров номли, «Деҳқонобод» жамоа, «Халқобод» ва «Дўстлик» ижара хўжаликларида маошнинг ўз вақтида берилиш тартиби йиллар давомида бузилиб келинганлиги аниқланди.

Хусусан, Отақул Умаров номли хўжаликда 1999 йил 1 январгача хўжалик ўз аъзоларидан иш ҳақи ҳисобидан 9.412.000 сўм қарздор бўлса-да, ушбу кредитор қарзларни узиш чораларини кўрмаган, жамоанинг октябр ойидаги иш ҳақи ҳисобидан қарзи 7.048.400 сўмни ташкил этган. Шунингдек, муддати ўтган дебитор қарзлари 1.876.000 сўм бўлиб, муддати ўтган дебитор қарзларини ундириш бўйича қонунда белгиланган ҳуқуқий имкониятлардан фойдаланиб хўжалик судига даъво билан мурожаат қилиш ўрнига тўлов интизомини бузиб келишган.

«Деҳқонобод» жамоа хўжалигида иш ҳақи ҳисобидан кредитор қарзлари 20.723.677 сўмга етган, дебитор қарзлар эса 1.266.752 сўмни ташкил қилса-да, хўжалик раиси И.Қозоқбоев, бош ҳисобчи К.Даминовлар томонидан ҳеч қандай амалий иш қилинмаган.

«Халқобод» ижара хўжалигида иш ҳақидан кредитор қарзлар ўтган йилнинг 1 январида 5.025.340 сўм бўлган бўлса, 1 октябрда бу қарз миқдори 8.832.200 сўмга кўпайган. Дебитор қарзлар миқдори эса 13.102.000 сўмга етган.

«Дўстлик» ижара хўжалигида иш ҳақидан кредитор қарзлар миқдори 6.694.000 сўм, дебитор қарзлар эса 3.708.000 сўм бўлиб, ушбу қарзларни қоплаш чоралари кўрилмасдан келган.

Кўриняптики, буларнинг барчаси ўзибўларчилик, лоқайдлик, бепарволик оқибатидир. Юқорида аниқланган ҳолатлар юзасидан тўлов интизомини бузиб келганликлари учун хўжалик раҳбарлари ва бош ҳисобчиларига Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 175-моддаси 3-қисми билан маъмурий иш қўзғатилди ва бундай салбий ҳолатларга чек қўйиш мақсадида туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди.

Текширишда айрим жойларда тушган пул маблағларидан ғайриқонуний мақсадларда фойдаланишгани кузатилди. Масалан, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида дебитор қарзлар миқдори 20.06341 сўмни ташкил этган. Ишчи-хизматчиларга берилмасдан келинган иш ҳақлари бўйича туман судига 143 та даъво аризаси киритилиб, суднинг ҳал қилув қарори чиқарилди ва қарор ижросини таъминлаш учун хўжаликка юборилди.

Ўтказилган худди шу текшириш жараёнида аниқланишича, хўжаликнинг айрим мансабдор шахслари 1998 йил ғалла ҳосилидан тушган пул маблағларидан тумандаги хўжалик ҳисобидаги «Дўстлик» дўконига 540 минг сўм пулни ун ва гуруч олиш учун ўтказиб беришни сўраб «Жомбойдон» ҳиссадорлик жамияти раҳбариятига хат билан мурожаат қилган. Шу асосда «Дўстлик» дўкони «Жомбойдон» ҳиссадорлик жамиятидан 540 минг сўмлик 11 тонна ун маҳсулотларини олиб келиб даромадга олгани ва қалбаки ҳужжатлар асосида ун маҳсулотларини жамоа хўжалигига чиқим қилишиб ўзлаштириб юборишганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Туман прокуратураси бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш ва бутунлай барҳам бериш мақсадида барча чора-тадбирларни кўрмоқда.

Суҳбатдош: Ялғош САРИЕВ.

Оҳангорондаги «Оҳангорон» хусусий корхонаси меҳнатчилари харидоргир неъматлар ишлаб чиқаришда намуна бўлишаяпти. Пешқадам жамоа шу кунгача истеъмолчиларга 30 тоннадан зиёд сифатли томат пастаси етказиб берди.

Суратда: корхонанинг тажрибали ишчиси Наргиза Тешабоева.

Даврон Аҳмад олган сурат

САҲОВАТ - ДИЛ МУЛКИ

Халқимиз азал-азалдан саховатпешалиги ва олийҳимматлиги билан тилларда достон бўлган. 2000 йилнинг биринчи ўн кунлиги ҳам тарих зарварақларида «Мурувват ўн кунлиги» номи билан абадул-абад муҳрланди. Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Янгийўл шаҳрида ҳам Мурувват ўн кунлиги бўлиб ўтди. Бу хайрли ишнинг амалга ошишида шаҳардаги бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари ўзларининг беминнат ёрдамларини аяшмади. «Ғишт инвест» корхонаси, Янгийўл ёғ-мой ҳиссадорлик жамияти, «Лаззат» қандолатчилик фабрикасининг бу борадаги ишлари айниқса, диққатга сазовордир.

- Шаҳар ҳокимлигининг ўзи ҳам бир қанча хайрли ишларни амалга оширмоқда, - дейди биз билан суҳбатда Янгийўл шаҳар ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича муовини Холмуҳаммад Тешабоев. - Жумладан, ногиронлар жамиятига, Мурувват уйига дори-дармонлар бепул тарқатилди. «Экосан» жамғармаси, Қизил ярим ой жамиятлари бу борада бизга яқиндан ёрдам беришмоқда.

Боқувчисини йўқотган қариялар, якка-ёлғиз яшовчи кексаларимиз, ёрдамга муҳтож ногиронларимиз ҳамда кўзи ожиз болалар ҳам бундай олийҳимматликдан баҳраманд бўлишмоқда. Янгийўл шаҳри асосан саноат шаҳри бўлиб, бундай саховатпешаликка ҳам ишлаб чиқаришдаги ютуқлар асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Янги давр кишилари

ГУЗАР ҚУРГАН ФЕРМЕР

Ёнимизга қоп-қора «Нексия» автомобили келиб тўхтади. Биласизми, кўпчилик, жумладан, мен ҳам фермер дейишганда арслонкелбат, ярим пудлик кетмонни ерга зарб билан урганда дастасигача киритадиган одамни тасаввур этамиз .Автомобилдан тушган йигит эса мен тасаввур қилган кишиларга, бунинг устига Янгиқўрғон ҳокимлигида таърифлашганларидек ҳам деҳқончиликни қойиллатаётган, ҳам қишлоқ ободончилигига катта ҳисса қўшаётган, деярли бутун бир гузар қуриб қўйган азаматга сира ўхшамас, оддийгина, ўрта бўйли зиёли эди. Сал кейин, у билан суҳбатлашиб ўтирганимизда, шу тўғрида оғиз очганимда жилмайди:

— Кузатувчан одам экансиз. Чиндан ҳам умримнинг ярмидан кўпини катта шаҳарларда ўтказганман...

Ҳабибулло Тошкент кооператив техникумида ўқиб юрган кезларидаёқ одамшинавандалиги, ширинсуханлиги билан кўпчиликка ёқиб қолганди. Шунинг учун ўқишни битиргач, уни ўзи амалиёт ўтказган «Зарафшон» ресторанида олиб қолишди. Кейинроқ «Тошкент», «Ўзбекистон», «Аэропорт» ресторанларида ишлади. Ўн йилдан ортиқ пойтахтда меҳнат қилган Ҳабибулло кексайган ота-онасидан узоқда юришни ўзига эп кўрмади. Ҳар на бўлса-да, яқинроқ юрган маъқул, деган ўйда Наманганга қайтди ва вилоят Чўл савдоси идорасининг умумий овқатланиш бўлимида ишлай бошлади. Ҳатто, намунали меҳнати эвазига енгил автомобил танқис бўлган ўша йилларда ана шундай транспорт тури билан тақдирланди ҳам.

— Шу тариқа қишлоққа яқинлаша бошладим, - кулади суҳбатдошим. - Чўл савдосидан сўнг туманимиз умумий овқатланиш бўлимида, кейин Заркент матлубот жамияти ошхонасида ва охирида қишлоғимизга туташ «Лола» болалар оромгоҳи ошхонасида ишладим. Ниҳоят шунча вақт четда юрганим етар, энди ҳамқишлоқларимга ҳам нафим тегсин, деган мулоҳаза билан ўзимизнинг Ўзакда қўним топдим.

Йигитнинг ярим ҳазил, ярим чин гапларида жон бор эди. Ростдан ҳам жамиятимизда юз бераётган янгиланишлар, жонажон Ўзбекистонимиз эришган мустақилликдан фахр-ифтихор туйғулари Ҳабибулло сингари бўз ва шўх йигитлар қалбидаги ватанпарварлик, элсеварлик хислатларини жунбушга келтириб юборган бўлса не ажаб!

Хуллас, Ҳабибулло, 1997 йилнинг кеч кузларида «Заркент» жамоа хўжалиги раиси ҳузурига кириб борди. Ўн-ўн беш гектар ер ажратиб беришларини илтимос қилиб фермер бўлмоқчи эканлигини билдирди. Раис аввалига ҳайрон бўлди, кейин босиқлик билан тушунтирди.

— Деҳқончилик оғир иш, ука, - деди бир пиёла чой қуйиб узатаркан. - Сен асосан савдо билан шуғулланиб юргансан. Бирон ошхона очмоқчи бўлсанг, дўкон қурмоқчи бўлсанг ёрдамлашай!

Ҳабибулло ўз сўзида қатъий турди:

— Сиз айтган нарсалар ҳам албатта бўлади. Ердан чиққан даромад билан ўша ишларни ҳам қиламан.

Йигит анча йиллар савдода ишлаб топган пулларини, миниб юрган машинасини сотиб, унинг пулини ҳам қўшиб қўшни Қирғизистон билан чегарадош, хўжалик фойдаланиб-фойдаланмасдан келган, туя ўркачисимон баланд-паст ва занг ерларни эпақага келтиришга сарфлади. Ўн гектар майдоннинг 2 гектарини боғ яратиш учун ажратди. Бир гектарида картошка етиштирди. Қолганига, боғ ичига ҳам буғдой сепди. Ҳаракатда баракат, деганларидек кузга бориб гектаридан 40 центнердан дон, шунингдек, 40 тонна картошка олишга муваффақ бўлди. Биринчи йил ҳосили йигитга қанот бағишлади. Бош мақсади — қишлоқни ободонлаштириш ишларига киришди. Яна раис ҳузурига кириб борди. Энди раис йигитнинг қўлидан иш келишига ишониб қолганди. Қишлоқ марказини ободонлаштириш юзасидан ташаббусини маъқуллади ва шу мақсад учун 6 сотих майдон ажратиб берди. Ҳабибулло аввалига гузар қуришга мўлжалланган жойдаги кўчанинг 100 метрдан зиёдроқ қисмига асфальт ётқизди. Кейин ошхона-чойхона, дўкон, қассобхона, нон ёпиш цехи қуришга киришди. Аслида бу ер қишлоқ клубининг орқаси бўлиб, қадимий жарлик эди. Уни тўлғазиш, текис ҳолатга келтириш учун анчагина куч-ғайрат сарфлашга тўғри келди.

— Ўша кунлари кеча-кундузнинг фарқига бормасдан ишладик, - дейди йигит, - юз машинадан ортиқ тупроқ ташиб тўкдик. Кейин қурилиш ишларига киришдик. Ниҳоят бир ой-бир ярим ой деганда, ишимиз кўзга кўринди.

— Боғ тобора бўй кўрсатиб бораяпти, - дейди Ҳабибулло фахр билан. - 4,5 минг туп терак 2 ёшдан ошди. Ана шунча вақт ўтиб-ўтмасдан қишлоқ аҳолисининг ёғочга бўлган эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан четга ҳам сотамиз. Ёнғоқ, олвали беҳи, олма ва бошқа меваларимиз 2000 йилда мевага киради.

Ҳабибуллодан режаларини сўрадим.

— Одам ҳамиша орзу билан яшаркан, - дейди у. - Қишлоғимиз аҳолисини қишда ҳам дармондорилар билан таъминлаш ниятим бор. Негаки, биз марказдан узоқда яшаймиз. Бу ойларда бир тутам кўк анқонинг уруғи. Шуни кўзлаб иссиқхона, шунингдек, мева ва сабзавотни қайта ишловчи кичик корхона бунёд этиш мақсадим бор.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Ижтимоий ҳимоя

Касаба уюшма қўмиталари бозор иқтисодиёти шароитида ишловчилар ишончини қай даражада оқлаяптилар? Ўзбекистон кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси Сирғали туман бўлими йўриқчиси Қаҳрамон Абдуллажоновнинг мухбиримиз билан суҳбати шу хусусда.

НОГИРОНЛАР КЎНГЛИ ОЛИНДИ

— Тасарруфимизда 696 та меҳнат жамоаси бўлиб, 7 минг нафарга яқин ишчи-хизматчилар ишлашади. Уларнинг минг нафарга яқини аёллардир.

Бу меҳнат жамоаларининг деярли ҳаммасида бошланғич касаба уюшмалари мавжуд. Биз уюшма қўмиталари раислари билан доимий алоқа боғлаганмиз. Ўтган йили ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий воситаси — жамоа шартномаларини тузиш, унда нималарга эътибор бериш масаласи бўйича ўқув семинарлари ташкил этдик. Ўқув машғулотларида касабақўм раислари, шунингдек, фаоллар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Семинарда жамоа шартномаларини қандай тузиш юзасидан қўлланмалар тарқатилди.

Ўзимиз ҳам меҳнат жамоаларида бўлиб, жамоа шартномаларини кўздан кечирамиз. Яқинда хўжалик ҳисобидаги гаражлар қурилиши бошқармасида бўлганимизда, масъул шахсларнинг ҳамда саломатликлари учун зарарли ишда ишловчи ходимларнинг рўйхати кўрсатилмаган экан. Улар камчиликларини тугатишди.

— Ходимларнинг дам олишлари учун шароит яратиб бериш касабақўмларнинг асосий вазифасидир. Бу борада ўтган ҳисобот даврида қандай ишлар амалга оширилди?

— Тасарруфимиздаги қўшма корхоналар ва уларнинг бўлимлари, ҳиссадорлик жамиятлари, хусусий фирма ва деҳқон-фермер хўжаликлари ходимларидан тушган аризаларга мувофиқ ўтган йили дам олиш уйларига 38 та, даволаниб келиш учун санаторийларга 19 та, уларнинг фарзандлари учун болалар оромгоҳларига 105 та йўлланма берилди. Янги йил арча байрамларига 700 та чипта текин тарқатилди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун маҳаллаларга 90 та ана шундай чипта берилди. Ногирон, етим болаларга ҳам ёрдам бериб турибмиз. Туман тадбиркорлар палатаси билан ҳамкорликда ўтказилган «Ташаббус» кўрик-танлови ғолибларига қимматбаҳо совғалар бердик.

— Республикамиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 2000 йил — «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди. Шу муносабат билан қандай ишлар режалаштирилди?

— Спорт — саломатлик гарови. Шуни ҳисобга олиб биз бу йил туманлараро спорт мусобақалари ўтказишни режалаштирганмиз. Шунингдек, санаторий ва болалар оромгоҳларига йўлланмаларни, дам олиш уйлари ва оромгоҳларни кўпайтирамиз. Меҳнат жамоаларида таниқли хонандалар иштирокида концертлар ташкил этилмоқда.

Суҳбатдош: Муборак МИРКАМОЛОВА.

«Ишонч»га жавоб берадилар

«ЛОҚАЙДЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА»

Газетамизнинг ўтган йил 27 октябр сонида юқоридаги сарлавҳали мақола босилган эди. У А.Икромов тумани «Ватан» маҳалласида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар томонидан ёзилган бўлиб, шикоятда 24-мавзеси 10, 18, 21, 31 уйлар қиш мавсумига тайёр эмаслиги, яъни айрим томлардан чакка ўтаётгани, ертўлаларда сув тўпланиб қолгани, эски қувурлар тез-тез тешилиб туриши одат тусига кириб қолгани, масъул ходимларнинг уй атрофидаги дарахтларни вақтида кесиб турмаслиги, натижада аҳолига хавф ва ташвиш туғдираётгани баён қилинган эди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош директори ўринбосари В.Каримжоновнинг таҳририятимизга маълум қилишича, мақола юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, юқорида кўрсатилган уйларда таъмирлаш ишлари бажарилган. 10, 18 уйларнинг иссиқлик тизими созланди. Вақтинча ётқизилган электр кабел олиб ташланди, 21-уйда иссиқ ва совуқ сув таъминоти меъёрида. Ертўладаги сув чиқариб ташланди. 31-уй атрофидаги дарахт шохлари кесилиб, шакл берилди.

Бундан ташқари, 10, 18, 31 уйлар 2000 йил тўлиқ таъмирлаш дастурига киритилди.

Қонун барча учун баробар

Ёдингизда бўлса газетамизнинг ўтган йил 28 май сонида «Қонунни бузаётганлар кимлар?» рукни остида юқоридаги сарлавҳа билан мақола эълон қилинган эди. Мазкур танқидий чиқиш бағдодлик Аъзамжон Машрапов ва унинг опа-сингилларига тегишли ота мерос ҳовлижой уларнинг жияни Аваз Машрапов томонидан қалбаки ҳужжатлар асосида сотиб юборилгани, натижада бу можаро Бағдод, Риштон, Учкўприк туман судлари ҳатто вилоят судида кўриб чиқилганлигига қарамай бир ярим йилдан ортиқ вақт давомида ҳам адолат қарор топмагани хусусидаги фикрлар баён қилинган эди. Мақола чоп этилган куннинг эртаси куни мазкур фуқаролик ишини қайта кўрган Учкўприк тумани суди (суд раиси — Н.Якубжонов) аввалги суд қарорини ўзгаришсиз қолдирди. Орадан тўрт ой вақт ўтгач акс-садосиз қолган бу мақола бўйича таҳририят «Газета материаллари изидан» рукни остида 1999 йил 29 сентябрда чиқиш қилиб, Фарғона вилоят суди ва прокуратурасидан тегишли жавоб кутаётганлигини эслатди. Афсуски, ҳанузгача улардан жавоб олинмаган.

«МЕН ДАРДИМНИ КИМГА АЙТАМАН»

(Мавзуга қайтиб)

— Нима қилишни билмай бошим қотди, ака — дейди хуноби ошган Ғуломжон (даъвогар Раҳима Маматованинг ўғли). — Газетада чиққан мақолани аризамизга илова қилиб турли юқори идораларга ёздик. Лекин ҳамма саъй-ҳаракатларимиз зое кетяпти.

Мана, қўлимизда республика Олий суди томонидан 1999 йил 1 ноябрда Фарғона вилоят суди ва аризачиларга юборилган билдиришнома. Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси М.Сафарова имзо чеккан мазкур хатда шундай дейилади: «Фуқаро А.Машраповнинг Адлия вазирлигига ёзган аризаси назорат тартибида текшириш учун юборилмоқда. Натижаси ҳақида аризачига хабар қилишингиз сўралади. Илова 16 варақда».

Бундан маълум бўладики, Адлия вазирлигига ёзилган шикоят Олий судга йўлланган. Олий суд эса яна вилоят судига юборяпти. Аслида шикоятчи вилоят суди фаолиятидан қониқмаганлиги сабабли юқори идораларга мурожаат этаётган эди-ку. Республика Олий суди вилоят судидан мавжуд ҳужжатларни чақириб олиши ва илова қилинган газета материалига холис ёндошган ҳолда якуний хулоса бериши мумкин эмасмиди?!

Вилоят суди раиси вазифасини бажарувчи Н.Абидова Учкўприк тумани суди томонидан жавобгар Аваз Машрапов ҳамда Бағдод туман нотариал идорасига нисбатан «Васиятнома ва у асосда берилган ворислик тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш» ҳамда «уй-жойнинг олди-сотди шартномаси ва қарорни бекор қилиш», «ворис деб топиш, мерос ҳуқуқидан махрум этиш» ҳақидаги даъво ариза асоссиз рад этилганлиги ва жавобгар Аваз Машраповнинг «Бағдод тумани Бағдод шаҳарча кенгашининг 1915 сонли қарорини бекор қилиш» ҳамда Ғ.Маматовни оила аъзолари билан низоли ҳовли жойдан мажбурий тартибда кўчириш ҳақидаги қарши даъво (ариза)си ҳамда мазкур низоли уйга нисбатан Х.Машраповнинг эгалигини белгилаш ҳақидаги қарши даъво аризаси асоссиз қаноатлантирилганлиги ҳақида ёзилган шикоят бўйича аризачилар Аъзамжон Машрапов, Мукаррам Йигиталиева, Раҳима Маматоваларга, шунингдек, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, республика радиоси хатлар бўлимига (бу даргоҳга ҳам мурожаат қилинган) ўтган йилнинг 21 октябрида №4-ф-177 хат билан жавоб берар экан, у қуйидаги важлар асосида шикоят қаноатлантирилмаганлигини исботлашга уринди. «... Ушбу низоли уйда марҳум Х.Машрапов отаси вафотидан икки йил кейин, яъни 1978 йилдан яшаб, 1979 йилдан рўйхатга туриб оиласи билан (кейинги хотини ва ўгай қизи билан) умрининг охирига қадар 1995 йилгача яшаганлиги, у отасидан қолган мерос мулкни расман расмийлаштириб олмаган бўлсада, у мерос мулкни ҳақиқатан ҳам эгаллаган, уй, бостирмаларни қайта қурган, ҳозирда мерос мулк қолмаган, низо предмети йўқ. Даъвогарлар ўз вақтида мерос масаласини ҳал қилмаганлар, даъво муддатини ўтказиб юборганлар. Бағдод тумани ҳокимлиги томонидан берилган 604/8 сонли маълумотномада Бағдод шаҳарча Охунбобоев кўчасидаги 42-уйнинг қонуний эгаси бўлган Машраббой Хасановнинг вафоти (1976)дан сўнг унинг фарзандларидан бирортасига уй-жой ворислигига ижроия комитет ёки ҳокимиятнинг қарори чиқарилмаганлиги кўрсатилган. Шунга кўра суд собиқ Бағдод шаҳарча кенгашининг Машрапов Аъзамжон ва Машрапов Ҳакимжонларга нисбатан ажжубга соладиган ҳолат шуки, Учкўприк тумани суди томонидан мазкур иш дастлаб кўрилганда (31.07.1998й. судя Б.Раҳмонов) шаҳарча кенгашининг юқоридаги қарорини бекор қилишда эски қонун моддалари қўлланилган эди. Мазкур ишни қайта (29.05.1999й.) кўрган шу туман суди (суд раиси — Н.Яқубжонов) шаҳарча кенгаши қарорини Бағдод тумани ҳокимлигининг юқоридаги маълумотномасига асосан бекор қилган. Охунбобоев кўча 42-уйга эгалик ҳуқуқи берилган ўтган йил 25 майдаги мазкур сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиб, тўғри хулосага келган...» дейилади жавоб хатида. Қизиғи шундаки, шаҳарча кенгашининг мазкур қарорида 42-уйга эгалик қилиш ҳуқуқи фақат Машрапов Аъзамжонга берилган. БТИ даги 42-уй техпаспортида эса Аъзамжон исми лезвада ўчирилиб, ўрнига штамп урилган ва ёнига Ҳакимжон деб ёзиб қўйилган. Кейинчалик Аъзамжон исми яна ўша жойда пайдо бўлибди. Нотариусга топширилган кенгаш қарорининг сохта кўчирмасида Ҳаким Машрапов қайд этилган ва шу асосда уй-жой олди-сотди шартномаси тузилиб, амалга оширилган. Кишини таниш юргансан. Бирон ошхона очмоқчи бўлсанг, дўкон қурмоқчи бўлсанг ёрдамлашай!

Ҳабибулло ўз сўзида қатъий турди:

— Сиз айтган нарсалар ҳам албатта бўлади. Ердан чиққан даромад билан ўша ишларни ҳам қиламан.

Йигит анча йиллар савдода ишлаб топган пулларини, миниб юрган машинасини сотиб, унинг пулини ҳам қўшиб қўшни Қирғизистон билан чегарадош, хўжалик фойдаланиб-фойдаланмасдан келган, туя ўркачисимон баланд-паст ва занг ерларни эпақага келтиришга сарфлади. Ўн гектар майдоннинг 2 гектарини боғ яратиш учун ажратди. Бир гектарида картошка етиштирди. Қолганига, боғ ичига ҳам буғдой сепди. Ҳаракатда баракат, деганларидек кузга бориб гектаридан 40 центнердан дон, шунингдек, 40 тонна картошка олишга муваффақ бўлди. Биринчи йил ҳосили йигитга қанот бағишлади. Бош мақсади — қишлоқни ободонлаштириш ишларига киришди. Яна раис ҳузурига кириб борди. Энди раис йигитнинг қўлидан иш келишига ишониб қолганди. Қишлоқ марказини ободонлаштириш юзасидан ташаббусини маъқуллади ва шу мақсад учун 6 сотих майдон ажратиб берди. Ҳабибулло аввалига гузар қуришга мўлжалланган жойдаги кўчанинг 100 метрдан зиёдроқ қисмига асфальт ётқизди. Кейин ошхона-чойхона, дўкон, қассобхона, нон ёпиш цехи қуришга киришди. Аслида бу ер қишлоқ клубининг орқаси бўлиб, қадимий жарлик эди. Уни тўлғазиш, текис ҳолатга келтириш учун анчагина куч-ғайрат сарфлашга тўғри келди.

— Ўша кунлари кеча-кундузнинг фарқига бормасдан ишладик, - дейди йигит, - юз машинадан ортиқ тупроқ ташиб тўкдик. Кейин қурилиш ишларига киришдик. Ниҳоят бир ой-бир ярим ой деганда, ишимиз кўзга кўринди.

— Боғ тобора бўй кўрсатиб бораяпти, - дейди Ҳабибулло фахр билан. - 4,5 минг туп терак 2 ёшдан ошди. Ана шунча вақт ўтиб-ўтмасдан қишлоқ аҳолисининг ёғочга бўлган эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан четга ҳам сотамиз. Ёнғоқ, олвали беҳи, олма ва бошқа меваларимиз 2000 йилда мевага киради.

Ҳабибуллодан режаларини сўрадим.

— Одам ҳамиша орзу билан яшаркан, - дейди у. - Қишлоғимиз аҳолисини қишда ҳам дармондорилар билан таъминлаш ниятим бор. Негаки, биз марказдан узоқда яшаймиз. Бу ойларда бир тутам кўк анқонинг уруғи. Шуни кўзлаб иссиқхона, шунингдек, мева ва сабзавотни қайта ишловчи кичик корхона бунёд этиш мақсадим бор.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Шу ўринда масалага ойдинлик киритиш жоиз. Хўш, Аъзамжон Машраповга мазкур ҳовли жойга эгалик қилиш учун шаҳарча кенгаши нимага асосланиб қарор чиқарган? Маълумки, бунга БТИ томонидан берилган инвентаризация маълумотномаси асос бўлган. Маълумотнома эса ўз навбатида мазкур ҳовли-жойнинг мавжуд ҳужжатига таянган ҳолда берилгани аниқ. Юқорида таъкидланганидек, марҳум Ҳакимжон ака отаси вафотидан 2 йил ўтгандан кейин мазкур ҳовли-жойда уканинг рухсати билан яшай бошлаган. У ҳолда бу ҳовли-жой ана шу 2 йил давомида кимнинг тасарруфида бўлган? Табиийки, кекса ота-онани ҳолидан доимо бохабар бўлиб, улар вафот этганларида дафн маросимларини ўтказган Аъзамжон ака эгалик қилган. Уй-жойнинг техпаспортида ҳам унинг исми шарифи қайд этилганлиги исбот талаб қилмас далилдир. Холис гувоҳларнинг кўрсатма беришларича, Аъзамжон ака ота-оналари ҳаётлигидаёқ уларни ўз қарамоғига олиб хўжалик бошлиғи сифатида оилани бошқарган. Афсуски, ўша даврлардаги хўжалик дафтарлари архивга келиб тушмаганлиги сабабли биз ушбу ҳолатга тўла аниқлик киритиш имконига эга бўлмадик. Ҳар ҳолда қандай бўлганда ҳам амалиётда шу нарса маълумки, ота-она вафотидан сўнг мерос-мулк ворислиги ўз-ўзидан, гап-сўзсиз кенжа ўғилга ўтади. Бу масалада ҳокимлик томонидан алоҳида қарор чиқарилиши шарт эмас.

(Давоми 4-бетда)

TV дастури

17-23 январ

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 17

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба,17 январ "Ўзбекистон-1" телеканали соат 6.30 дан 15.00 гача УзТВ-IV "Ҳалқаро" телеканали орқали намойиш этилади.

* * *

15.00 "Соғинчли салом".
15.20 "Қувноқ стартлар". Телемусобақа.
16.00 "Эъзоз". Мусиқий дастур.
16.35 "Аэлита, эркакларга суйкалма". Бадиий фильм.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. "Фарзанд — умид юлдузи".
18.30 "Мувозанат". Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.50 "Бахтли воқеа".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Иқтисод ва биз".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Санъатга бахшида умр". Ҳ.Носирова.
21.45 "Қонун ва биз".
22.20 "Маънавият" дастури.
23.20 "Кулги терапия".
00.00 "Ахборот".
00.30 "Сени ҳеч қачон унутмайман". Бадиий фильм.
1.50-1.55 Ватан тимсоллари.

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади: («Спорт майдончаси», мультомоша)
9.35 «Остонадаги орзулар».
9.55 «Мусиқий лаҳзалар».
10.00 «Давр» Хайрулла Нуриддинов билан.
10.40 «Ёшлар» телеканалида.
10.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
12.15 «Олтин мерос».
12.30-14.30 Баҳодир Йўлдошев театри: Ҳамза. «Паранжи сирлари».
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади: («Ҳар соҳага саёҳат», мульттомоша)
18.35 «ТВ-саёҳат».
18.50 «Ёшлик баёзи».
18.55 «ТВ-анонс».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Мусиқий лаҳзалар ва ТВ-анонс».
19.35 «Душанба дастуридагилар ва бошқалар».
19.50 «Очун».
20.05, 21.00, 22.30 Эълонлар.
20.10 «Ёшлар» телеканали намойиш этади: «Келин салом». Видеофильм. 1-қисм.
21.05 «Дунёга йўл».
21.20 «Дастхат». Камолиддин Мирсолиев.
21.40 «Қишлоқдаги тенгдошим».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мусиқий лаҳзалар ва ТВ-анонс».
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.25 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. Интерфутбол.
00.55 «Шарқ эстрадаси».
1.15 «Тонг юлдузи».

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 "Сен ҳақингда ва сен учун".
18.30, 21.30, 22.30 "Пойтахт". Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, кутлаймиз".
19.40 "Оқибат". Телесериал. 1-серия.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Тап-тортмаслар". Телесериал. 25-серия.
21.45 "Спорт-тайм".
22.10 "Бумеранг".
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Кинонигоҳ. "Маймунлар сайёраси".
00.30 Хайрли тун, шаҳрим!

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.40 "Таҳлилнома".
*
8.40 "Ер ва диёр тароналари".
9.10 "Ўзбек киноси ижодкорлари".
9.30 "Ўзлик". Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00,14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 "Олтин тож". Телевизион ўйин.
10.25 Кундузги сеанс: "Шум бола". Бадиий фильм.
11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 Ю.Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
12.35 "Эртаклар —яхшиликка етаклар". "Тилла тухум"
13.35 "Баркамол авлод орзуси".
14.10 "Оламга саёҳат".
14.30 "Шоҳрух" клуби.
***
15.00-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.10 Кўрсатувлар тартиби.
16.15 "СНН. Жаҳон янгиликлари" (инглиз тилида)
16.45 "Мультчархпалак".
17.00 "Тотли оғу". Телесериал.
18.00 "Бинафша".
18.15 "Қушдек енгил бўлинг". М.Евдокимов меҳмони.
18.45 "Аралаш". Ҳажвий журнали.
18.55 "Биз ва давр".
19.50 "Характерли қизлар". Телесериал.
20.45 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 "Время"
21.40 "Дил изҳори".
21.55 "Бугун оламда". Ахборот кўрсатуви.
22.05 "Ўғрини ушла". Телесериал.
22.30 "Вести".
23.00 "Соккер - клуб".
23.15 Кинематограф: "Ширин орзулар". Бадиий фильм.
00.55 "Ахборот"
1.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Соат 15.00 га қадар профилактика.

15.05, 18.00, 20.00, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
15.30 Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Бахт». Телесериал.
17.45, 19.10 - «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.25 «Узурпатор аёл». Телесериал (Мексика).
19.30 «Дўндиқча». Сериал.
20.25 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом. «Федерал полиция». Детектив. 3-серия. (Австралия).
23.15 «Ўта қотиллик». Детектив сериал (АҚШ).
24.00 Тунги мусиқий-дам олиш канали.

СЕШАНБА, 18

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
*
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 "Қўшиқ-ла ҳаёт гўзал". Мусиқий дастур.
9.20 "Шарқнинг машҳур аёллари".
9.40 Болалар учун. "Қувноқ дақиқалар".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 "Ҳамкорлик риштлари".
10.45 Кундузги сеанс: "Маринка, Янка ва қирол қасрининг сири". Бадиий фильм.
12.05 Ўзбек куйларидан концерт.
12.35 "Қишлоқ ҳаёти".
13.00 "Маънавият" дастури.
14.10 "Сеҳрли шуъла". Кинокўрсатув.
14.30 "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" почтасидан.
15.30 Рақслар гулдастаси.
16.00 "Ўзбек спортининг нуфузи".
16.15 "Аршин мол-олон". Бадиий фильм.
17.40 "Оромижон".
18.10 Болалар учун. "Кичкинтоймиз — гижингтоймиз".
18.30 "Орзулар қанотида".
18.45 "Истеъдод". А.Ҳолиқов.
19.05 "Имконият".
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 "Зиё".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Тараққиёт йўли".
21.25 "Назм ва наво". Ҳабибий лирикаси.
22.15 "Хайр, ширин орзулар". Бадиий фильм. 1-серия.
23.30 "Ахборот".
00.00 "Хайр, ширин орзулар". Бадиий фильм. 2-серия.
1.15-1.20 Ватан тимсоллари.

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади: («Ҳар соҳага саёҳат», мультомоша)
9.35 «Кинотақдим».
9.55 «Мусиқий лаҳзалар».
10.00 «Давр». Ахборот дастури.
10.30 «Ёшлар» телеканалида.
10.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
12.05 «Мусиқий дастур».
12.20 «Келин салом». Видеофильм. 1-қисм.
13.10–15.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: «Спорт-2000».
***
